

## Озиқ-овқат маҳсулотлари олди-сотди шартномаси

2«11»2022 yil.

66-11-165-МТ/2022-son

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома "LAZZAT TOTLI NE'MAT" МЧЖ кейинги ўринларда «сотувчи» деб юритилади (28.10.2022 йил кунги лот 167570 -сонли электрон танлов ғолиби) номидан ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари Н.Абдуллаев бир томондан ва иккинчи томондан Ёзёвон туман Мактабгача таълим бўлими (кейинги ўринларда «сотиб олувчи» деб юритилади) номидан ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари Х.Саримсақова номидан мазкур шартномани туздилар.

### 1. Шартноманинг предмети.

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган мазкур товар (маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан сотиб олувчига топшириш, сотиб олувчи эса товар (маҳсулот)ни қабул қилиш ва 2022 - 2023 йил учун заҳира учун кишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиш учун ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Товарларнинг номи, миқдори, сифати ва нархи мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлган жадвалга мувофиқ аниқланади.

№	Маҳсулотноми	Ў.Б	миқдори	нархи	сумма
1	Сайқаланган (шлифованный) 1-нав девзира ёки взроз гуручи	кг	6000	10900	65.400.000
	Жами:				65.400.000

### 2. Тўлов шартлари.

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **65.400.000 (Олтмиш беш миллион тўрт юз минг)** сўмни ташкил этади. *ҚКС 8530434,78 тегишли этади.*

2.2. Сотиб олинган товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори 30 фоизни ташкил қилади ва қолган 70 фоиз қисмини товар (маҳсулот) етказиб берилганидан сўнг 30 кун муддат ичида тўлов амалга оширилади.

2.3. Маҳсулотлар учун нарх ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Бунда шартнома тузилган вақтда худуддаги ўртача бозор нархлари деҳқон бозори маълумотлари ўртача нархи асос қилиб олинади.

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

### 3. Маҳсулот етказиб бериш.

3.1 «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан ва маҳсулот учун олдиндан шартнома қийматининг 30 % тўлов амалга оширилганидан сўнг товар (маҳсулот)ни 10 календар кун муддат ичида талабномага асосан «харидор» белгилаган манзилдаги ташкилотларга етказиб бериши шарт.

### 4. Тарафларнинг мажбуриятлари.

4.1.Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф: бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (бюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.3. Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга)



қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

4.4. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

#### **5. Сотувчининг мажбуриятлари:**

5.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда сотиб олувчига ўз вақтида «харидор» томонидан юборилган вакилга ташкилот раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган ҳамда муҳр билан тасдиқланган ишонч қоғози асосида топширади.

5.2. «Сотувчи» «харидор»га унинг ишонч қоғозидида қайд қилинган маҳсулотларни беради. Агар «сотувчи» томонидан «харидор»нинг ишонч қоғозидида кўрсатилмаган маҳсулотларни ишонч қоғозидида белгиланган миқдоридан ортиқ берган ҳолларда, бу маҳсулотлар учун «харидор» томонидан ҳақ тўланмайди.

5.3. «Сотувчи» ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилишини ўз зиммасига олади ҳамда маҳсулотларни ташкилот қошида белгиланган таркибда тузилган сифат комиссияси далолатномаси ва эҳтиёж тақсимотига асосан мактабгача таълим ташкилотларига етказиб беради.

5.4. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши, бунда маҳсулотни сифатини тасдиқловчи ҳужжат (мувофиқлик сертификати ва санитария-гигиена сертификати, гўшт маҳсулотлари учун ветеринария хулосаси ва ҳ.к.з) ҳамда маҳсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги маҳсулотни жойларга етказиб берилишини қафолатлайди.

5.5. Сотувчи тўпламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб, 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

5.6. «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт, шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ расмийлаштириши шарт.

5.7. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

#### **6. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар**

6.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупсиявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

6.2. Тарафлар шартномадаги коррупсияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупсиянинг олдини олиш чораларни тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

6.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишида пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши евазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишга йўл қўйилмаганлигини, тақлиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

6.4. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

6.5. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоида бузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида



хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

#### **7. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:**

7.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

7.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

7.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлайди.

7.4. Сотиб олувчи тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни шартнома тузилган пайдан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталига жойлаштириши шарт. Тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталига жойлаштирилмаган бўлса, ушбу шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

#### **8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.**

8.1. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олинishi зарур.

8.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

#### **9. Тарафларнинг жавобгарлиги**

9.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

9.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

9.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматини, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

9.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

9.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

9.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

9.7. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

#### **10. Шартноманинг амал қилиш муддати.**

10.1. Мазкур шартнома қонуний кучга кирганидан сўнг 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

10.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин томонларнинг келишувига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳамда форс-мажор ҳолатларида.

#### **11. Низоларни ҳал қилиш.**

11.1. Шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан — ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилади.

#### **12. Форс-мажор ҳолатлари.**

12.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда муайян шароитда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табiiй офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолари, ички тартиббузарликлар ва



бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди.

12.2. Мазкур шартнома бажарилмаса ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

### 13. Бошқа шартлар.

13.1. Шартномаси тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Шартномасининг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

13.2. Агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартномаси тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

13.3. Шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

Шартномасини бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13.4. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома иқтисодий суднинг қарорига биноан фақат иккинчи тараф хўжалик шартномасини жиддий равишда бузган ёхуд қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

13.5. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, хўжалик шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

13.6. Шартнома юридик хизмат кўрсатиш маркази томонидан ижобий хулоса асосида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, тарафлар томонидан имзолангач ва Ёзёвон туман фазначилик бўлинмасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради. Агар ушбу шартнома 30 иш куни ичида туман фазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилмаса, шартнома ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

### Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

#### «Сотувчи»

"LAZZAT TOTLI NE'MAT" МЧЖ  
Манзил: Маргилон ш Айланма йул  
мавзеси  
Х/Р: 20208000805315514001

СТИР: 307333861

МФО: 00496

ОКОНХ: 01420

Банк номи: Микро кредит банк "Фаргона  
вилояти филиали

Раҳбар \_\_\_\_\_ Н. Абдуллаев.



#### «Харидор»

Ёзёвон туман мактабгачатаълимбўлими  
Манзил: Ёзёвон туман Андижонкўчаси

Ш/ХР: 100022860302427091100251020

Бюджетданмаблағолувчи СТИР: 305152725

ОКОНХ: 92400

Молиявазирлиги фазначилиги бўлинмаси

Фазна х/р: 23402000300100001010


Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент  
ХККМ МФО: 00014 фазначилик бўлинмаси  
СТИР 201122919

Раҳбар \_\_\_\_\_ Х. Саримсақова

М.ў.



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QISQARTIRILGAN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQ IKT TO'G'IRISIDA YONDAV  
XULOSA

	Hujjat <b>elektron raqamli imzo</b> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	XONZODA SARIMSAQOVA XOMIDOVNA
	Imzolangan sana	02.11.2022 10:32
	Hujjat kodi	<b>FD0252631125</b>
	Hulosa kodi	<b>TH4125886146</b>

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq shart chiqilgan hujjatlar va hujjatlar  
muvofiqlik sertifikatini taqdim etilganda qabul qilinib maqsadga muvofiq.

Yuzasidan imzolagan  
02.11.2022  
Hujjat raqam: 02.11.2022



G.M.ABDULLAYEV  
02.11.2022



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

TH4125886146

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **guruch yormasi, 1-navli devzira yoki vzros navli guruch**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: YOZYOVON TUMAN MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI tomonidan 02.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni tovarni muvofiqlik sertifikatlari taqdim etilganda qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yozyovon tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**Q.M.ABDULLAYEV**

02.11.2022